

акс этган асарлар орқали ўқувчиларда ахлоқий-маърифий, ижтимоий-сиёсий тарбияни шакллантириш долзарблигича қолаётир. Чунки, ўзбек болалар адабиёти хануз етук адабиётшунослар назарига эҳтиёжманд бўлиб, жаҳон ва умумадабиёт намуналари билан қиёсий –типологик ўрганишни тақозо этаётганини ойдинлашади. Ўзбек адабиёти таркибида ҳамиша болалар адабиёти бўлган, истеъдодли санъаткорлар болалар учун ҳам асарлар ёзишган. Бу адабиёт пойдевори А.Авлоний, Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Бехбудий ва Фитрат, С.Айний ва Элбеклар қўйган бўлса, Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғулом, Қ.Муҳаммадий, С.Жўра каби устоз санъаткорлар мустаҳкам устун эди. Ўзбек адабиётининг яловбардорлари болалар ва ўсмирларга бағишланган автобиографик, биографик қиссалари, эссе ва романлари билан унинг юксалишига улуш қўшганлар. Зотан, болалар адабиёти ва китобхонлигининг камолоти мустақил юртнинг ҳар томонлама етук, баркамол авлодини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. – Б. 19.
2. Арзамасцева И.Н., Николаева С.А. Детская литература. – М.: Академия, 2000. – 470 с.
3. Баракаев Р. Абдулла Авлоний ва болалар адабиёти. – Т.: Фан, 2004. – 158 б.
4. Белинский В.Г., Чернишевский Н.Г., Добролюбов Н.А. О детской литературе. – М.: Дет.лит. 1983. – 430 с.
5. Гёте И.В. Заковат дурдоналари. – Т.: Янги аср авлоди, 2012. – Б. 30.
6. Сафаров О. Ўзбек болалар адабиёти ва фольклор. – Бухоро, 2007. – Б. 33-41.
7. Толстой Л.Н. Собр. Соч. т.1, М. ГИХЛ, 1952. – С. 330.
8. Фозилов Н. Саратон. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 91-207.
9. Януш Корчак. Как любить ребенка. – М., 1990. – 496 с.
10. Расулов А. Фаройиб салтанат. – Т.: Адиб, 2012. – 78 б.

УДК 891.709:297

МУМТОЗ АДАБИЁТДА “СИРР” ЖАНРИ ВА БАДИЙ ТАЛҚИН МАСАЛАСИ

Қобилов Усмон Уралович

СамДУ Ўзбек филологияси факультети доценти, фил.фан.номз.

Таянч сўзлар: истиқлол, адабий тур, жанр, сирр жанри, бадий талқин, қиёсий таҳлил, рамзий образ, мажозий тимсол, биографик асар.

Ключевые слова: независимость, литературный род, жанр, жанр сирр, художественная интерпретация, сопоставительный анализ, символический образ, метафорический знак, биографическое произведение.

Key words: independence, literary genre, siyr genre, artistic interpretation, comparative analysis, symbolic character, metaphorical sign, biographical work.

Мазкур мақолада Шарқ мумтоз адабиётининг қадимий жанрларидан бири бўлган сирр жанри (биография) ҳақида сўз юритилади. Бу адабий жанрнинг туркий-ўзбек адабиётидаги намуналари таҳлил этилади. Шу билан бирга сирр жанрига хос шаклий ҳамда назарий масалалар тўғрисида мулоҳазалар билдирилади.

В настоящей статье говорится о литературном жанре сирр (биография), одном из исторических жанров классической литературы Востока, его формах. Дан анализ примеров использования данного жанра в тюрко-узбекской литературе.

The article deals with the literary genre siyr (biography), which is considered to be one of the historical genres in classical Eastern literature. The author of the article has analyzed the examples of this genre in Turkic-Uzbek literature and presented views on the form related and theoretical problems peculiar to this genre.

Кириш. Ҳозирги даврда бадий адабиётни нафақат назарий, балки мазмуний нуқтаи назардан ҳам қайта кўздан кечириш зарурати юзага келмоқда. Бадий ижодга бўлган эркин ёндашув унинг барча масалаларида ўз аксини намоён этмоқда. Ўзбек адабиёти асрлар давомида жанр – шакл, бадийят, услуб, мавзу жиҳатлардан янгилашиб келди. Айниқса, шеърятда вазн, адабий жанр борасида анъана узоқ давом этганлиги маълум.

Шу боис, “адабиёт тарихи жанрлар тарихидан иборат”лиги ҳақидаги фикр асослидек таассурот уйғотади. Бадиий адабиётнинг тур ва жанрларга хосланиши ҳақидаги қарашлар тарихи ҳам узоқ тарихга эгадир. Масаланинг қўйилиши Аристотель “Поэтика”си билан боғлиқ бўлса- да, унинг тарихи ва тараққиёти ҳам катта йўлни босиб ўтди. Адабий турлар маълум бир йўналиш асосида ўз ичига жанрларни қамраб олади. Масалан, лирика – биринчи шахс ҳис-туйғуларининг ҳозирги замондаги кечинмаларини ифодаласа, эпик тур иккинчи шахснинг ўтган замондаги воқелик ҳақида ўйлариدير. Драматик тур эса учинчи шахснинг келаси замондаги қарашлари ифодасидан иборатлиги қайд этилади. Адабий турларнинг жанрларга бўлиниши эса, асосан, шаклий ўзига хосликлари билан белгиланиб келганлиги маълумдир. Моҳиятига кўра адабий жанр тусини олганлари эса ҳозирга қадар ҳам кам эътироф этилади. Фикримизча, адабий жанрлар таснифини мазмун – мундарижаси асосида белгилаш ҳам самаралироқ ва асослироқдек туюлади. Бадиий адабиёт оламида шундай жанрлар ҳам борки, улар шахс, замон, макон, шакл танламайди. Шарқ мумтоз адабиётидаги шундай адабий шакллардан бири сифатида “сирр” жанрини эътироф этиш мумкин. Бу жанр ташқаридан назар ташланганда, ҳасбу ҳол (биография) жанрига яқинлиги сезилади. Бироқ улар орасида жиддий тафовут кўзга ташланади. Ҳасбу ҳол арабча ҳасб ва ҳол сўзларидан ҳосил бўлган қўшма от ҳисобланади. Бу ўринда ҳасб – насл-насаб билан эмас, балки шахсан эришилган мавқени билдирса, ҳол-аҳвол сўзининг бирлигини англатади. Шундан ҳасбу ҳол шахс аҳволи акс этадиган асар хили саналади. Ҳасбу ҳол ва сирр жанрларидаги яқинлик биографик хусусиятга эғалиги биландир. Бироқ мана шу таржимаи ҳоллик уларда ўзгача руҳда намоён бўлади. Ҳасбу ҳолда шахс фаолияти, ҳаёти акс этса, сирр жанрида ички бир руҳий аҳвол ифодаланади. Яъни унда, асосан, сиймо ҳолининг ботиний томонлари ҳисобга олинади. Ҳасбу ҳол таржимаи ҳол маъносида тушунилса, сирр пинҳоний бир ҳол баёни саналади. Бу фарқни шартли равишда “авом” ва “хослар” ёки “хослар” ва “хослар хоси” ҳаёт тарзи талқинига менгзаш мумкин. “Сирр” жанри мана шундай ўзига хос хусусияти билан ҳасбу ҳолдан фарқланади. Бу жанр дастлаб Ўрта асрлар араб халқ адабиётида шаклланган бўлиб, у ҳажман ва мазмунан ранг-баранглик касб этган. Сирр жанри қадим араб, форс адабиётларида “рисола” билан яқин бир маънода ҳам ишлатилади. Бунда сирр, рисола, рисолат тушунчаларидаги ўзақдошлик ҳисобга олинади. Шарқ адабиёти сирр жанрида Муҳаммад пайғамбар аҳволини акс эттирган ва мавзуга тегишли асарлар туркуми шаклу ҳажмидан қатъий назар шу жанрнинг намунаси ҳисобланган. Демак, битта сиймо ҳоли ифодаси учун бир адабий жанр вужудга келганлиги кўринади. Кейинчалик бу жанр туркий – ўзбек мумтоз адабиётида ҳам бир анъана бўлиб қолди. У қиссачилик санъатининг янги жанри ва пайғамбар ҳақида сўз юритувчи илк манбалардан саналадиган бўлди. Сирр жанри Муҳаммад ҳаётлиги ва ундан кейинги даврларда вужудга келган кўплаб тарихий қиссалар асосида вужудга келади. Бу жанр мавзунинг умумий талқинини ҳам, муайян қирраларини ҳам ўзида акс эттириб беради. Унда “нур қадимийлиги” фалсафаси, Муҳаммад аҳволи, чаҳорёрлар ифодаси мавзунинг умумий ифодалари бўлиб келган бўлса, пайғамбар билан боғлиқ сиру синоатлар бадиий талқини алоҳида қирралари бўлиб кўринади. Илоҳий манбалар, чунончи, Қуръони Карим асосида шаклланган анбиёлар қиссалари ҳам сирр жанрига мансубми деган савол туғилиши табиий. Маълумотларга кўра, Қуръони Каримда 137 дан ортиқроқ қисса мавжудлиги қайд этилади. Уларнинг барчаси анбиёлар қиссалари ҳам эмас, албатта. Шу билан бирга бу қиссаларда тўлиқ сюжет ва образларга эга бўлганлари ҳам, маълум воқеликни акс эттирганлари ҳам мавжуд. Бу сюжетлар рамз ва мажоз ифодаси сифатида мумтоз шеърят бадиий дунёсида талмиҳ – тамсил сифатида ифодаланади. Фикримизча, айна тажриба постмодерн адабиётида афсонавий – мифик сюжетларни замонавий маънода талқин этиш услуги учун ҳам манба бўлгандек таассурот қолдиради. Бунда постмодерн асарлар қадимги дунё миф-афсоналарини янги маъно билан талқин этган холос. Бироқ сирр жанри сифатида асосан Муҳаммад пайғамбар фаолияти билан боғлиқ тарихий-бадиий талқинлар эътиборга олинади. Манбаларда Қуръонда ўн саккиз ўринда пайғамбар васфи берилганлиги айтилади. Қуръон Муҳаммадга индирилган илоҳий калом ҳисобланади. Ундаги қиссалар ҳам ояти карималарнинг таркибига киради. Шундан Шарқ адабиётида бадиий қиссачилик шаклланади. Ушбу қиссаларда ҳам, бадиий талқинларда ҳам воқелик Муҳаммад сиймоси билан тугаллик касб

этади. Анбиёлар қиссалари ҳам шу азиз хилқат комил сиймоси билан боғланади. У нубувват ва рисолат тимсоли деб қаралади. Шу боис бўлса керак, Шарқ адабиётида сирр жанри сифатида Муҳаммад пайғамбар тимсоли, сифату феъллари, ҳоли акс этган асарлар эътироф этилади. Туркий – ўзбек мумтоз адабиётида ҳам бу жанр ўзига хос тараққий этганлиги кўринади. Айниқса, Аҳмад Яссавий, Рабғузий, Атоий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр, Ҳазиний ва бошқа ижодкорлар жанр ифодасига алоҳида эътибор қаратганлар. Уларда сирр жанри рангин услуб, талқин, шакл ва ифодадаларда ўз аксини топганлиги кўринади. Масалан, туркий – ўзбек адабиётининг нодир намунаси “Қисас ар-Рабғузий” асарига эътибор қаратилса, унда энг катта бадиий қисса ҳам, бутун тафсилоти билан акс этган фабула ҳам айнан Муҳаммад алайҳиссалом қиссаси ҳисобланади. Унда наът, ҳол, рисолат баёни, мўжиза, Меърож, вафоти ҳамда чаҳорёрлар воқелиги келтирилади. Аҳмад Яссавий “Муножотнома”, пайғамбар ҳоли ҳақидаги бир неча маснавий, “Ҳикояти меърож”, чаҳорёрлар мадҳи каби тур асарларида бу жанр ифодалари тасвир этилади. Шарқ классик сирр жанрлари ҳам ўз ичига айна мавзулар талқинига эътибор қаратади. Алишер Навоийда эса бадиий адабиётдаги бу жанрнинг ёрқин намуналари яратиб берилганлиги кўринади. “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асари мавзунинг хос тарихига бағишланган бўлса-да, таҳлил этилаётган жанрнинг ифодаси унда аксини топмагандек фикр уйғотади. Бироқ махсус талқинда бўлмаса ҳам, моҳиятан асар шу феномен аҳвол руҳияси билан боғланади. Чунончи, Одам қиссасидаги: “...бир овуч туфроқ ер юзидин олиб, Ҳақ таолонинг амри била биҳиштга келтуруб, Ҳазрати Муҳаммаднинг тийнати тасним суйи била юғуруб, борча малойикка арз қилдиларким, мақсуди олам ва одам офаринишидин мунинг хилқатидурким, охир уз – замон пайғамбари бўлғусудир” – зикри масалани ойдинлаштиради. Ундаги “олам ва одамнинг яратилишидан мақсад мана шу хилқат” эканлиги фалсафаси бу жанрнинг асос концепциясини белгилайди. Алишер Навоий дostonлари жанр ифодасида алоҳида ўрин тутаяди. Уларда наът, васф, мадҳ, меърож бу жанр шакллари сифатида намоён бўлаяди. “Ҳайрат ул - аброр” дostonидаги бешта наът, “Фарҳод ва Ширин”да иккита васф, “Лайли ва Мажнун”да битта наът, “Саббаъи сайёр”да наът ва меърож таърифи, “Садди Искандарий”да наът ва меърож, “Лисон ут-тайр”да наът ва чоҳарёрлар васфи кабилар жанр бадиий талқинининг бетакрор намуналари саналади. Қадимдан Шарқ халқлари адабиётида мавзу тарихи ҳақида кўплаб хилдаги асарлар яратилган. Бу борада кейинги даврларда хорижий тиллар, хусусан, рус тилида ҳам забардаст асарлар вужудга келди. Мавзунинг бадиий талқини борасида истиқлол яратган кенг имкониятлар натижаси ўлароқ, ўзбек адабиётшунослигида ҳам бир қатор тадқиқотлар яратилди. Жумладан, Сайфиддин Рафиддиннинг “Навоий ижодида Муҳаммад алайҳиссалом васфи”, Олим Давлатовнинг “Навоий шеъриятида Муҳаммад пайғамбар (с.а.в) сиймоси”, Каромат Муллаҳўжаеванинг “Навоийнинг наът ғазалларида меърож талқини”, Зиёда Ғаффорованинг “Навоий наът ғазалларининг ўзига хос хусусиятлари” каби бошқа тадқиқотларни бу ўринда қайд этишимиз мумкин. Улар айна вақтда шу жанр ифодалари сифатида бир ўзанга бирлашади.

Масала талқинида Алишер Навоий ижоди ўзига хос ўрин тутаяди. Агар “Ҳайрат ул-аброр” дostonига эътибор қаратилса, унда наътлар орқали ўзбек мумтоз адабиёти ва умуман шарқона тафаккурда шу сиймо бадиий-маърифий талқини билан боғлиқ жиҳатлар ўзининг ёрқин аксини топганлиги кўринади. Асар биринчи наът “Ул ҳазратнинг нури қадимияти”, иккинчиси “қирқ ёшида нубувват мева бергани”, учинчиси “беш бармоғига қалам тутмай ақолими сабъани (етти иқлим) яққалама қилғони”, тўртинчиси “асҳоби (саҳобалари) бобида”, бешинчи наъти “Меърож кечаси таърифи”га бағишланади. Айна тасвирлар пайғамбарлик ҳоли ва сирри билан биргаликда бадиий талқин, маърифий ифода хусусиятларини ҳам ўз ичига олады. Бу таҳлил ва талқинлар мумтоз адабиётдаги сирр жанри бадиияти, шеърят поэтик олами жозибадорлигини англашда муҳим роль ўйнайди. Мисол учун сирр жанрининг “нур қадимияти” ҳақидаги талқинлари бутун мумтоз адабий – фалсафий фикрларга пойдевор бўлиб хизмат қилади. Чунки унда мумтоз адабиёт ва фалсафа учун асос бўлган маҳбуб – ҳабиблик мақоми ўз ифодасини топади. Яъники:

Қойси нур, улким топиб юз иззи ноз,
Ул келиб маъшуқу, холиқ – ишқбоз.

Бу “нур” Ҳақ ҳузурида бениҳоя иззат ва қадр топди, у маъшук, холиқ эса унга ошиқ бўлди. Холиқнинг борлиқни яратиш иштиёқи беҳад баланд бўлганлигидан “нур” азизлиги ортди, сеvimли бўлди. Шундан мулки олам яратилди. Демак, олам ва одамнинг яратилиши шу нурга бўлган илоҳий ишқ туфайлидир. Бунда илоҳий ишқ мажоз ишқини келтириб чиқаради. Бундан кўринадики, одам ва олам, табиат ва жамият, моддият ва илоҳият ўзаро уйғун ҳодисалардир. Улар орасидаги мувозанат ҳисси бадиий талқинларда меҳр-муҳаббат тушунчалари билан юритилади. Худди шундай талқинлар Алишер Навоийнинг бошқа сатрларида ҳам ўз ифодасини топган. Хусусан, “Наводур ун-ниҳоя” девонидаги ушбу мисраларда нубувват сирри деб қараладиган “ҳабиб”га мурожаат этилади. Яъни, “Эй ҳабиб, Ҳақ ўзини муҳиб сени эса маҳбуб айлади. У муҳибга сен маҳбубсан, эй ҳабиб”, – дейди.

Ҳақ ўзин қилди муҳиб сен ойни маҳбуб, эй ҳабиб,
Ул муҳибга сен киби маҳбуб эрур хўб, эй ҳабиб.

Ёки шоир “Бадое ул-бидоя” девонида “Эй ҳабиб, сен борсанки, сенга олам ва одам фидо бўлсин, инсондан мақсад сен, оламдан мақсад эса инсондир”, – деган қарашларни илгари суради.

Оламу одам фидонг ўлсунки борсен, эй ҳабиб,
Сен ғараз инсондин, ар оламдин инсондур ғараз.

Бадиий талқинлардаги иккинчи бир сирр ифодаси меърож талқинида кўринади. Унда уруж (кўтарилиш) ва қурб (яқинлик) мақоми таҳлил этилади. Бу бадиий талқинда “ўзини ўзидин халос айлаш”, яъни мажоз ишқининг илоҳий ишқга айланиши деб тасвирланади. Учинчи бир ҳол мақоми эса “хатм” талқинида акс этади. Бу ҳолат мумтоз шеъриятда турлича тасвирий ифодалар билан талқин этилади. Масалан, Мавлоно Атоий лирикасида бу мақом “қулф ва калит” рамзида ташбеҳ этилади.

Нубувват бобининг қуфлу калиди,
Санга топшурди охир дамда Фаттоҳ.

Бу ўринда байтдаги ҳар бир сўз ва ифода юксак маҳорат билан бадиий-эстетик фикр мантиғига хизмат этганлиги кўринади. Унда “Фаттоҳ” тушунчаси ҳам шеър оҳангига биноан келтирилади. У бежизга айнан Фаттоҳ тарзида қўлланилмайди. Бадиий талқин учун Ҳақ афъолу сифотларидек беҳисоб образли ифодалар кам учрайди. Гап шундаки, Шарқ шеъриятида бу ифодаларни мақсадга мувофиқ, ўз ўрнида ишлата билиш масаласи ҳам юксак маҳорат талаб этиш билан бирга беназир илму урфон соҳиби бўлишни ҳам тақозо этади. Шу нуқтаи назардан Атоий талқинида, Фаттоҳнинг “фатҳ этувчи”, “забт этувчи” маъноси эмас, балки “тугунларни очувчи”, “масалани ечувчи” мазмунидаги ифодаси назарда тутилган бўлиб, бу “хатм” (“қулфни очувчи ва ёпувчи калит”) маъносига бадиий рамз вазифасини бажариб беради. Бунда “қулф” нубувватга, “калит” Ҳазрати Мустафога рамз тимсолидир. Шарқона талқинларга кўра, нубувват эшиклари қулфини очган ҳам, ёпган ҳам (хатм ва хотам), Муҳаммад деб қаралади. Иккинчи томондан, байтда назарда тутилган рамзий талқинлар Муҳаммадга “нубувват боби”га “қулфу калитлик” мартабаси Фаттоҳ томонидан топширилганлигига ҳам ишора этмоқда. Демак, шоир талқинича, Мустафо нубувватни очувчи ва ёпувчи “мажоз калити” бўлса, Фаттоҳ барча бандлар, хусусан, нубувватни ҳам очувчи ва ёпувчи “ҳақиқат калити”дир. Ушбу талқин замирида шоирнинг рамздан фойдаланиш маҳорати ва шеър жозибадорлигини таъмин этувчи яна бир муҳим жиҳат шундаки, унда Муҳаммад сиймоси айни бир образ ёки тимсолда келтирилмасдан, фақат сатрлар маъно оҳангги орқалигина юзага чиқарилади. Бу оҳанг “санга” олмошида акс этган, холос. Шундан байтда: “Фаттоҳ охир- оқибат нубувват бобининг қулфи калитини сенга топширди”, – мазмуни келиб чиқади. Агар шу тариқа бу масала талқинини бошқа бадиий ифодалар билан ҳам таққос этадиган бўлсак, унда бадиий рамзий тасвирлари тобора ранго-ранглашиб кетаверади.

Хулоса. Хуллас, шарқона талқинларда шу “нур”, “ҳабиб”, “уруж”, “қурб”, “хатм” маърифати сирр жанри ифодаси сифатида мумтоз адабиёт, жумладан, шеърят учун ҳам руҳоний бир илҳом манбаидир. Бу масалалар бадиий талқини эса, аввало, одамийлик, мукааррамлик, комиллик фазилатларини ифодалашга хизмат қилади. Шунга биноан, мазкур жанр ўзбек адабиётида назарий жиҳатлардан ҳам, бадиият ва маъно ифодаларига кўра ҳам ўзига хослик касб этади.

АДАБИЁТЛАР

1. **Каримов И.А.** Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
2. **Alisher Navoiy.** To'la asarlar to'plami. O'n jidlik. – T.: G'afur G'ulom, 2012.
3. **Атойи.** Девон. – Тошкент: Фан, 2008. – 319 б.
4. **Зиёда Ғаффорова.** Навоий наът ғазалларининг ўзига хос жиҳатлари. Ўзбек тили ва адабиёти. 2010 йил, 4-сон. – Б. 45-48.
5. **Мелетинский Е.М.** Поэтика мифа. – М.: Наука, 1976. – 408 с.

UDK 398.5 (053) 575.1

O'ZBEK XALQ BOLALAR O'YINLARIDA RAMZIY OBRAZLILIKNING TARIXIY GENEZISI

Safarova Nigora Oxunjonovna

*BuxDU Boshlang'ich va maktabgacha ta'lim uslubiyoti kafedrasida dotsenti, fil. fan. nom.***Tayach soʻzlar:** xalq o'yinlari, moydon, sutlon, qatlon, bog'lam-bog'lam, o'y o'ylash.**Ключевые слова:** народные танцы, мойдон, сутлон, катлон, привязки, мышление.**Key words:** folk games, sutlon, qatlon, boglam-boglam, thinking about smth.

Maqolada an'anaviy o'zbek bolalar o'yinlarida uchraydigan ramziy obrazlarning kelib chiqish tarixiy ildizlari, olis o'tmishga xos turmush tarzi, urf-odatlar bilan bog'liqligi xususida fikr yuritilgan.

В статье рассматриваются исторические корни символических образов, встречающихся в традиционных играх узбекских детей, связанные традициями и образом жизни с давних времен.

The article deals with the historical roots of symbolic figures found in traditional Uzbek children's games and their connection with the lifestyle in the past and customs.

O'yinlarda xalqning tarixiy qismati, olis o'tmishga xos turmush tarzi, urf-odatlari zuhur topgan. Bola o'yin jarayonida ajdodlarining ana shu tarixidan voqif bo'ladi, bunday voqiflik zamirida esa Vatanni anglash, unga mehr bilan qarash hissi uyg'onadi, o'zligini anglashga yo'l ocha boradi.

"Qo'rg'on olish" – shunday tarixiy o'yinlardan biri. U, asosan, qisqagina dialog negizida qurilgan. Ammo unda o'ynoqi ritm mavjud, shu ritm savol-javobning poetik ohangini ta'minlagan:

- | | |
|-----------------------|-------------------------|
| - Abdurahmon qoqvosh. | - Maydonda. |
| - Dabbevosh. | - Suti qani? |
| - Tuyang qayda? | - Sutlonda. |
| - Ola tog'da. | - Qatig'i qani? |
| - Nima eydi? | - Qatlonda. |
| - Yontoq. | - Nurmat akaning qiziga |
| - Nima beradi? | Karnaymi, surnay? |
| - Moy. | |
| - Moyi qani? | |

Nomi tutilgan bola (istalgan nom) karnay deyilsa – karnay, surnay deyilsa – surnay ovozi taqlid qilishi lozim. Shunisi e'tiborliki, chorvachilik bilan shug'ullanuvchilarning bolalari orasida keng tarqalgan bu o'yinda xalq leksikasiga xos "moydon", "sutlon", "qatlon", shuningdek, "Bog'lam-bog'lam" o'yini matnidagi "jog'langiya va dig'longiya", "Guldur-gup" o'yini matnidagi "yog'alog'i" va "yog'don" singari so'zlar o'zaro qofiyalanib, muhim poetik ohang hosil qilgan. Bu so'zlar o'tmishda chorvachilik bilan shug'ullangan xalqimiz etnografiyasini ifodalovchi leksik qatlam namunalari bo'lib, bolalar lafzida o'yin vositasida saqlanib qolgan. O'tmishda cho'ponlar joydan-joyga ko'chib yurishlarida qulayligini inobatga olib, ro'zg'or idishlarining bir qismini mollarning qatqorini, ichak-chavog'i va suyagidan yasaganlar. Ana shu idishlarning yog' saqlanadigani – moydon, jog'lang'iya, yog'don, jog'don, yog'aloq; sut saqlanadigani – sutlon;